

Кушон Салтанатининг Шаклланиши

Очилдиев Самандар Шавкатович

Термиз давлат университети магистранти

Юнон Бактриянинг хусусан, Бактриянинг юечжилар томонидан эгалланиш даври, сиёсий тарихи қисман хитой ва юнон-рим манбаларида сақланиб қолган. Страбоннинг ёзишича Бактрияни Якасартнинг нариги соҳилида яшовчи саклар ва сўғдиёналиклар билан бирга яшаган *ассийлар, посианлар, тохарлар сакарауқлар* эгаллаганлар. Помпей Трогнинг таъкидлашича Бактрия ва Сўғдиёнани *скиф* қабилаларидан бўлган *сарауқлар ва ассианлар* эгаллаганлар. Қадимги хитой манбаларида эса юқорида таъкидлангани сингари юечжи атамаси даставвал улар давлатининг номини англаган. Хитой манбаларига кўра, Бактрияни эгаллаган қабилалар дастлаб Ўрта Осиёда (ҳозирги Хитойнинг Ганьсу провинциясида) истиқомат қилган юечжилардир. Мил.авв. 2 асрнинг 2-чи чорагида (мутахассислар бу саналарни мил. авв. 172-161 й.й. оралиғи деб ҳисоблайдилар) хуннлардан зарбага учраганидан кейин улар Ўрта Осиёнинг шимоли-шарқига кўчиб ўтадилар. Ўрта Осиёга кўчиб келган юечжиларни хитой манбаларида *да-юечжи* (катта юечжи, ўз худудларида қолганларини *сяоруэие* яъни кичик юечжи) деб атайдилар.

Милоддан аввалги 172-165 йиллар мобайнида хуннлар томонидан тор-мор этилгандан юечжиларнинг катта қисми Ўрта Осиёнинг шимоли-шарқига кўчиб ўтади. Ўрта Осиёга кўчиб ўтган юечжиларни хитой манбаларида қолган юечжилардан фарқли ўларок Даюечжилар деб атаган. Чжан Цзяннинг таъкидлашича юечжилар усунлар томонидан учинчи мартаба тор-мор этилганидан сўнг жанубга юрганлар ва Дахя (Бактрия)ни эгаллаганлар. Мутахассисларнинг таъкидлашича, юечжилар Бактрияни милоддан аввалги 140-130-йиллар оралиғида эгаллаганлар. Милоддан аввалги 128 ёки 126 йилларда Дахяда бўлган хитойлик элчи Чжан Цзянга кўра, Дахя юечжилар томонидан эгалланган бўлган ва улар ўз қароргоҳини *Гуй-шуй* (Амударё)дан шимол томонда қурган.¹ Бир қанча вақт ўтгандан сўнг Бактрияда Катта Юечжилар давлатига асос солинган. Катта Хан хонадони солномаларида Катта Юечжилар давлати бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юрувчи (давлат) сифатида таърифланади. Шунинг билан бир қаторда унинг пойтахти Ганши ёки Ланши деб кўрсатиб ўтилган. Бу давлат аҳолиси 100 минг оила, 400 минг нафар одам ва 100 минг ҳаракатдаги қўшиндан иборат бўлган. Кичик Хан хонадони тарихида Катта юечжилар қўл остида 5 *хи-хэу* (мулклик); Хюми, Шуаньми, Гуйшуан, Хейтун ва Гаофу² ёки Хюми, Шуанми, Гуйшуан, Хисе ва Думи дан иборат бўлган дейилган³. Шундай қилиб, Юнон-Бактрия давлатининг ўрнига 5 мулкликдан иборат бўлган Катта Юечжилар давлати вужудга келган.⁴

Археология, ёзма ва нумизматика маълумотларига кўра, Катта Юечжилар давлати мулкликларининг шаклланиши аста-секинлик билан рўй берган. Даставвал икки мулклик Шимолий Бактрияда шаклланган, қолган 3 таси Шимолий Бактриянинг жанубий қисмида пайдо бўлади. Ана шу мулкликларда заб этилган тангаларнинг гувоҳлик беришича учта мулкликнинг ҳукмдорлари маълум. Булар: Кушана (“Герай”), Сападбиз, Фсейгахарис .

¹ Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах...Т. II. с. 151

² Бичурин. Н.Я. Собрание сведений о народах...Т. II. с. 184

³ Бичурин. Н.Я. Собрание сведений о народах...Т. II. с. 184, 227 бетлар.

⁴ История государственности Узбекистана. - Том I. – Ташкент, Узбекистан. – 2009. С. 212

Бу подшолик асосчилари – юечжилар – Ўрта Осиё ҳудудидан келиб чикқан бўлсаларда, аммо кушон давлатчилиги ўзида юечжи, эллинлар, бактрияликлар ва хиндистон халқларига хос давлат тузилиши, маъмурий бошқарув тизими, унвонлар, табақалар иерархияси, динлар, моддий маънавий маданият наъмуналарини мужассам этган.

Амалда бу давлат полиэтник (кўп халқли) давлат бўлиб унда толерантлик давлат аҳамияти касб этган. “ Катта Хань Хонадони тарихи ” да унинг кўшинлари бу давлатни Кушон деб аташган бўлса, хитойликлар уларга нисбатан “Катта Юечжилар давлати” номини сақлаб қолганлар. Бу Подшолик пойтахти ҳукмдор Каниишка даврида Паталипутрага (Пешавор) кўчирилади, аммо илк кушон ҳукмдорлари даврида пойтахт Балх ҳисобланган.

Кушон салтанатида ҳукмдор Каниишка давлатни идора этган саналарда икки даврни алоҳида тақидлаш лозим.

Биринчи даврда давлат бошқарув тизимида ва маданиятда эллинларга хос хусусиятлар мавжуд бўлган бўлса, **Иккинчи даврда** бу анъаналардан мутлақо воз кечилиб, кенг маънода Осиёга хос хусусиятлар, шу жумладан бактрия ва хинд анъаналарини ўрнатилишидир. Подшо Канишканинг Рабатак (Ҳиндикуш шимолий ён бағри) эдикти (фармони)да айтилишича “Ва у (подшо Каниишка) бу фармонни грек (юнон) тилида эълон қилди ва ундан сўнг уни орий тилига ўгирди” (орий тили бу жойда бактрия тили).

Айни шу жиҳатларини кушон тангалари ҳам намоён этади. Каниишка даврида тангалардаги грек тилидаги ёзув ва унвонлар (титуллар) бактрия ёзувига ўзгартирилади⁵. Кушон салтанатининг шаклланиш жараёнига эътибор берсак, бу жарён икки гуруҳ манбаларда ўз аксини топган. Биринчи хитой солномаларидаги қисқа маълумотлар бўлса, иккинчиси нумизматика манбаларидир.

Шундай қилиб, Катта Юечжилар давлати 5 мулкликдан иборат ўзига хос конфедератив давлат бўлиб, унинг асосий ҳудуди пойтахти Бактр бўлган Бактрия ҳисобланади.

Милодий I-III асрларга келиб ўз даврининг тўрт йирик империясидан бири ҳисобланган Кушон салтанати Шарқда Хан Хитойи, Ғарбда Парфия билан чегарадош бўлиб, улар билан ўзаро рақобатда ҳам бўлган. Бу подшоликнинг Кужула Кадфиз даврида шаклланган асосий ҳудудлари Бактрия ва Гандхара ўлкалари бўлган. Кушон салтанатининг юксалган даврида унинг таркибига Ҳиндистон ярим оролининг катта қисми, ҳозирги Покистон ва Афғонистон ҳудудлари, Жанубий Тожикистон ва Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилояти кирган.

Хитой солномаларида, хусусан, “Сўнгги Хан сулоласи тарихи”да Юечжилар томонидан Бактриянинг эгалланиш жараёни баёнидан сўнг шундай дейилади: орадан юз йил давр ўтгандан сўнг Гуйшуан ҳукмдори Киоцзюко қолган тўрт қабила бошлиқларини бирлаштириб, ўзини Гуйшуан (Кушон) ҳукмдори деб эълон қилди. У Анси (Парфия) билан уруш бошлади, Гоафу (Қобул)ни бўйсундирди, Пуду ва Гибинни янчиб ташлади ва улар ерини эгаллади. Киоцзюко 80 йил умр кўрди. Унинг вафотидан сўнг ўғли Янгаочжень тахтга ўтиргач Ҳиндистонни бўйсундирди ва уни бошқаришни лашкарбошилардан бирига топширди. Айни шу даврдан бошлаб Юечжи бой ва кучли хонадон (давлат)га айланди. Кўшни давлатлар уни Гуйшуан (Кушон) давлати деб атай бошладилар, Хитой хонадони эса уни ўзининг аввалги номи билан “Катта Юечжи” (Даюечжи) деб атаб қолди⁶.

Киоцзюко ва Янгаочжень лингвистик жиҳатдан исбот қилинган; булар Кужула Кадфуз ва Вима Кадфуз номлари, Гуйшуан (аниқроғи) Kīwī – sians тангалари ва эпиграфика ёдгорликларидаги Кушон номининг хитойча талаффузи.

Кушон империясининг ташкил топиши ва унинг ўз даврининг қудратли империялари билан тенг рақобатда бўлган вақтларига мос равишда империянинг чегараси ҳам ўзгариб турган.

⁵ Чориев З, Шайдуллаев Ш, Аннаев Т. Ўзбекистон ҳудудида ёзувнинг пайдо бўлиши ва тараққиёти. Т.: Янги аср авлоди, 2007

⁶ Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах...Т. II. с. 227-228

Жумладан Кушон салтанатининг шимолий чегараси тарихий адабиётларда кўп маротаба қараб чиқилган. Бу ҳақда ёзма манбаларда маълумот йўқлиги сабабли бу илмий муаммо тўғрисида турли фикрлар туғилишига сабаб бўлган. Бу илмий гуруҳлар қуйидагиларга бўлинади:

1. Кушон салтанатининг дастлабки маркази Миёнқўл (Самарқанд худуди) худудида, Кушония деган жойда мавжуд бўлган, кушонлар кенгайиши билан бу жойдан жанубга томон йўналади.
2. Кушон салтанатининг ватани-Бактриянинг ўнг қирғоғи, айти шу худуддан Ўрта Осиёнинг шимолий худудларини хусусан, Чоч, Суғд ва Хоразм эгалланади.
3. Кушон салтанатининг шимолий чегараси Ҳисор тоғ тизмалари орқали ўтган ва ундан шимолда Қанғ тасарруфидаги худуд жойлашган.

Биринчи фикрнинг шаклланиши В.Томашекка тақалади ва XX асрнинг 40-50 йилларида Ўзбекистон тарихига бағишланган асарлардан муҳим ўрин олган бўлиб, кейинчалик асосли рад этилган.

М.Е.Массон ва Е.В.Зеймалв томънидан Кушон салтанатининг шимолий чегараси Ҳисор тоғ тизмаси бўйлаб ўтганлиги асосли исботланган.

Шунга қарамаздан қатор асарларда бу подшоликнинг шимолий чегарасига Ўрта Осиё икки дарё оралиғининг катта қисми ҳам кириитилган.

Адабиётлар

1. Yusupovich, Koshakov Safarali. "Material Culture in Zoroastian Religion." *Excellencia: International Multi-disciplinary Journal of Education* (2994-9521) 2.6 (2024): 715-719.
2. Isayev, Oybek. "THE ORGANIZATION OF A ZOO IN THE CITY OF TERMIZ, SOUTHERN REGION OF UZBEKISTAN." *Interpretation and researches* (2024).
3. Isayev, Oybek. "THE CULTURAL LIFE IN SURKHAN OASIS: INFORMING OF ACHIEVEMENTS AND PROBLEMS BASED ON ARCHIVAL MATERIALS (1925–1941 YEARS)." *The Light of Islam* 2019.4 (2019): 31.
4. Qudratov, Namoz, and Oybek Isayev. "DENOVO BOZORI FAOLIYATI 1946-1961-YILLAR." *Talqin va tadqiqotlar* (2024).
5. Oybek, PhD Isaev. "In the Study of the History of Surkhandarya in the 30s of the XX Century, as a Historical Source." *Eurasian Journal of History, Geography and Economics* 7 (2022): 100-102.
6. Исаев, Ойбек Ахмед. "Освещение проблем образования Сурханского оазиса в архивных материалах (1920-1930 гг.)." *Бюллетень науки и практики* 6.8 (2020): 289-294.
7. Yusupovich, Koshakov Safarali. "Material Culture in Zoroastian Religion." *Excellencia: International Multi-disciplinary Journal of Education* (2994-9521) 2.6 (2024): 715-719.
8. Юсупович, Қўшоқов Сафарали. "ЗАРДУШТИЙЛИК ДИНИДА ДАФН МАРОСИМЛАР ТАЛҚИНИ." *MODELS AND METHODS FOR INCREASING THE EFFICIENCY OF INNOVATIVE RESEARCH* 3 (2023): 201-208.
9. Yusupovich, Kushakov Safarali. "THE ROLE OF ANCIENT BACTERIA AND MARGIA IN THE ESTABLISHMENT OF ZARDUSTIYA." *Chief Editor* 12.
10. Бабаева, Ситора Рuzимахматовна. "Взгляд на историю топливно-энергетического комплекса Сурханского оазиса." *Бюллетень науки и практики* 7.2 (2021): 394-397.
11. Boboeva, Sitora Ruzimahmatovna. "HISTORY OF DEVELOPMENT OF THE FUEL INDUSTRY IN UZBEKISTAN." *World Economics and Finance Bulletin* 4 (2021): 6-8.

12. Бобоева, С. Р. "Исторические топонимы вдоль торгового пути Термез-«Железные ворота»." Бюллетень науки и практики 6.2 (2020): 347-355.
13. Бобоева, Ситора. "БОЙСУН ТАРИХИЙ ТОПОНИМИ ҲАҚИДА." ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ 21 (2019).
14. Sitora Ruzimakhmatova Boboeva. (2023). THE EMERGENCE AND DEVELOPMENT OF ELECTRIC NETWORKS IN THE SURKHAN OASIS. (USING THE EXAMPLE OF 1914-1941). Scientific Impulse, 2(13), 300–306.
15. Kultaeva, Fazilat. "Study of ergonyms in uzbeki linguistics." World Bulletin of Social Sciences 16 (2022): 11-14.
16. Kultayeva, Fazilat. "Ergonimlarning jahon va o 'zbek tilshunosligida o 'rganilishi." E Conference Zone. 2022.
17. KULTAEVA, Fazilat. "Analysis of ergonomic units at the onomastic level." (2022).
18. Bakhtiyorovna, Kultayeva Fazilat. "Production Characteristics of Ergonomics." American Journal of Language, Literacy and Learning in STEM Education (2993-2769) 1.10 (2023): 666-670.
19. Fazilat, Kultayeva. "ERGONIMLARNI MA'NOVIY VA VAZIFAVIY KLASSIFIKATSIYALASH XUSUSIDA." «CONTEMPORARY TECHNOLOGIES OF COMPUTATIONAL LINGUISTICS» 2.22.04 (2024): 556-560.
20. Fazilat, Kultayeva. "FANDA ERGONIMLARNING O 'RGANILISHI XUSUSIDA." Philological research: language, literature, education 2.2 (2024).
21. Yusupovich, Koshakov Safarali. "Material Culture in Zoroastrian Religion." Excellencia: International Multi-disciplinary Journal of Education (2994-9521) 2.6 (2024): 715-719.
22. Юсупович, Қўшоқов Сафарали. "ЗАРДУШТИЙЛИК ДИНИДА ДАФН МАРОСИМЛАР ТАЛҚИНИ." MODELS AND METHODS FOR INCREASING THE EFFICIENCY OF INNOVATIVE RESEARCH 3 (2023): 201-208.
23. Yusupovich, Kushakov Safarali. "THE ROLE OF ANCIENT BACTERIA AND MARGIA IN THE ESTABLISHMENT OF ZARDUSTIYA." Chief Editor 12.
24. Юсупович, Қўшоқов Сафарали. "ЗАРДУШТИЙЛИК ДИНИ ТАЛҚИНИ ВА УНИНГ МОДДИЙ МАДАНИЯТДА АКС ЭТИШИ." Scientific Impulse 1.12 (2023): 246-251.
25. Kushokov, Safarali. "EARLY RELIGIOUS SIGNS OF THE TERRITORIES OF UZBEKISTAN." Research and Implementation 1.3 (2023): 71-77.
26. Yusupovich, Kushokov Safarali. "FACTORS WHICH ARE THE BASIS OF THE FIRST RELIGIOUS VIEWS." Scientific Impulse 1.11 (2023): 140-145.
27. Юсупович, Қўшоқов Сафарали. "ЗАРДУШТИЙЛИК ДИНИ ТАЛҚИНИ ВА УНИНГ МОДДИЙ МАДАНИЯТДА АКС ЭТИШИ." Scientific Impulse 1.12 (2023): 246-251.
28. Yusupovich, Kushakov Safarali. "Orta Osiyoda ilk diniy qarashlarning oziga xosligi." Scientific Impulse 1.11 (2023): 115-120.
29. Юсупович, Қўшоқов Сафарали. "ЗАРДУШТИЙЛИК ДИНИ ТАЛҚИНИ ВА УНИНГ МОДДИЙ МАДАНИЯТДА АКС ЭТИШИ." Scientific Impulse 1.12 (2023): 246-251.